

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2013 ЙИЛ БИРИНЧИ ЧОРАГИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2013 йил биринчи чорагидаги ижросига доир ҳисоботи кўриб чиқилди.

Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати ижроси устидан парламент назорати Қонунчилик палатасининг устувор вазифалари жумласига киради, шу сабабли у депутатлар корпусининг диққат марказида туради.

Қонунчилик палатаси мажлисида таъкидландики, жаҳон иқтисодиётида давом этаётган мураккаб жараёнлар ва салбий тенденцияларга қарамай, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг энг муҳим устуворликлари ҳамда мамлакатимиз Президенти томонидан белгилаб берилган жорий йилдаги иқтисодий дастурнинг асосий вазифалари изчил рўйбга чиқарилиши натижасида ҳисобот даврида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланди.

2013 йилнинг 1 чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари — 7,5 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми — 6,0 фоизни ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми — 6,2 фоизни, қурилиш пудрат ишлари ҳажми — 13,2 фоизни ташкил этди.

2013 йилнинг 1 чорагида Давлат бюджетининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари билан тасдиқланган параметрларга мувофиқ ижро этилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадлари 5 369,6 миллиард сўмни, харажатлари эса — 5 282,9 миллиард сўмни ташкил этди. Давлат бюджети 86,7 миллиард сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди.

Шунингдек, ҳисобот даврида Давлат

бюджети ижросини таъминлашда асосий эътибор ижтимоий соҳани ривожлантиришга, яъни таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа биринчи навбатдаги тўловларни тўлаш бўйича харажатларни ўз вақтида молиялаштириш, Давлат бюджетининг газначилик ва самарали ижросини таъминлашга қаратилганлиги таъкидланди. Ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарфланган харажатлар умумий сарф-харажатларда 59,2 фоизни ташкил этди, ялпи ички маҳсулотда уларнинг улуши 14,8 фоизни ташкил этди, аҳолининг реал даромадлари эса 15,6 фоизга ошди.

Иқтисодиётда ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида 4,6 триллион сўмни ташкил этди ва 7,2 фоизга ошди. Иқтисодиётга киритилган капитал маблағларнинг умумий ҳажмидан ишлаб чиқариш қурилишига инвестицияларнинг 68,2 фоизи йўналтирилди.

Депутатлар мажлис жараёнида

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назоратни янада кучайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш муҳимлигини ҳам айтиб ўтдилар. Мамлакат ҳукуматида бюджетнинг даромад қисми сифатли ижро этилишига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга, хусусан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича боқимондаликка, дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш таклиф этилди.

Давлат бюджетининг ижросига доир ҳисобот депутатларда талай саволлар пайдо бўлишига олиб келди ва бу саволлар Ҳукумат вакилларида берилди.

Ҳар томонлама ва пухта муҳокамалардан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2013 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати материали асосида тайёрланди.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

БИРЖАДА ЭЛЕКТРОН ХАРИДЛАР ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (11.06.2013 йилдаги 166-сон) билан иккита Низом: Давлат улуши устувор бўлган табиий монополиялар субъектлари, корхоналар ва ташкилотларнинг электрон харидлари бўйича Ҳукумат комиссияси ишчи органи тўғрисидаги низом ҳамда Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржасида электрон харидларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ҳукумат комиссияси ишчи органи тўғрисидаги низомга мувофиқ қуйидагилар унинг асосий вазифалари ҳисобланади:

корпоратив харидларни амалга оширишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳажмда махсус ахборот порталида маълумотларни жойлаштириш жараёнини назорат қилиш;

электрон харидлар бўйича Ҳукумат комиссиясининг ваколатига қонун ҳужжатлари билан киритилган масалалар бўйича материаллар ва Ҳукумат комиссияси қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш;

товарлар (ишлар, хизматлар)нинг корпоратив харидлари жараёнида иштирок этадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Ҳукумат комиссияси қарорларининг бажарилишини назорат қилиш;

корпоратив харидлар соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда иштирок этиш.

Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржасида электрон харидларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом биржада бошланғич нархни пасайтириш юзасидан электрон харидларни аукцион савдолар шаклида ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилай-

ди. Илгари амал қилган Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржасида бошланғич нархни пасайтириш юзасидан электрон аукцион савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида низом (ВМнинг 6.09.2012 йилдаги 260-сон қарори билан тасдиқланган) ўз кучини йўқотди.

Янги Низомга мувофиқ Ҳукумат комиссияси томонидан белгиланадиган рўйхатга биноан битта контракт бўйича 300 АҚШ долларида 100 минг АҚШ доллари-гача тенг бўлган суммада товарлар (ишлар, хизмат)ларнинг нафақат давлат харидлари, балки корпоратив харидлари ҳам амалга оширилади.

Ҳужжатда устав фондидаги давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган, бюджет ташкилотлари, табиий монополиялар субъектлари, давлат унитар корхоналари ва хўжалик жамиятлари ҳисобланмайдиган ташкилотлар ушбу Низомга мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш ҳуқуқига эгаллиги ҳам қайд этилган. Савдоларга тайёргарлик кўриш босқичлари аввалгидек қолди.

Аввалги Низом билан солиштирганда бюджетдан маблағ олувчилар ҳисобланмайдиган буюртмачиларни аккредитация қилиш учун ҳужжатларни тақдим этишда (жисмоний шахслар учун) шахсий имзонинг нотариал тасдиқланган нусхасини, микрофирмалар учун эса бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш функциясини амалга оширувчи шахс имзосининг намунасини тақдим этиш талаб қилинмайдиган.

Низомга мувофиқ кафолатловчи етказиб берувчилар сифатида аккредитация қилишга савдоларга савдолар предметини етказиб беришни аккредитациядан олдинги охириги 12 ой мобайнида амалга оширувчи, аккредитациядан олдинги 18 ой мобайнида ноҳалол етказиб берувчилар реестрига киритилмаган юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар қўйиладилар. Илгари бўлганидек, буюртмачилар ва етказиб берувчиларни аккредитация қилиш бепул амалга оширилади



ва муддатсиз тусга эга бўлади.

Низомда қайд этилишича, буюртмачилар махсус ахборот порталида келгуси давр (йил, йил чораги) учун буюртмаларни жойлаштириш режа-жадвалларини жойлаштиришлари мумкин, уларга буюртма жойлаштирилишдан олдин 30 кундан кечикмай қуйидаги ҳолларда тузатишлар киритишлари мумкин:

савдолар предметларини сотиб олишнинг режалаштирилаётган қиймати кўпайганда, бунинг оқибатида режа-жадвалда назарда тутилган контрактнинг бошланғич (максимал) нархига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш мумкин бўлмаганда;

савдолар предметини сотиб олишнинг режалаштирилаётган муддатлари (даврийлиги), харид қилиш усули ўзгарганда, буюртмачи томонидан харид қилишнинг режа-жадвалида назарда тутилган усули буюртмачи томонидан ёки бошқа сабаблар бўйича бекор қилинганда.

Қарор Президентнинг «Электрон харидлар тизимини мақбуллаштириш ва улардан тадбиркорлик субъектларининг фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига (5.04.2013 йилдаги ПҚ-1948-сон) мувофиқ қабул қилинди.



1-бетда

ЯНГИ ХУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

КИЧИК ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯЛАР
ХОДИМЛАР СОНИНИ
4 БАРАВАР ОШИРИШЛАРИ
МУМКИН

Вазирлар Маҳкамасининг 14.06.2013 йилдаги 172-сон қарори билан Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясига ўзгартириш киритилди.

Ўзгартиришга мувофиқ эндиликда телевидение ва радиоэшиттириш тахририятлари ходимлар сони 11 кишидан 100 кишигача бўлганда кичик корхона мақомини сақлаб қолишлари мумкин (илгари хўжалик юритувчи субъектларнинг ушбу тоифасига кириш учун улар ходимларининг ўртача йиллик сони 25 кишидан ошмаслиги керак эди).

Классификаторга киритилган тузатишлар уни Президентнинг «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарорига (30.12.2011 йилдаги ПҚ-1672-сон) мувофиқлаштиради. Эслатиб ўтамиз, Президентнинг юқорида тилга олинган Қарори билан қўшимча солиқ имтиёзлари бериш мақсадида кичик корхоналар тоифасига киритиш учун 2012 йил 1 январдан оммавий ахборот воситалари тахририятлари, нашриётлар ва босмахоналар ходимларининг янги меzonлари белгиланган эди.

УЙНИ ҚАЕРГА ҚУРИШ МУМКИН?

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг қарори (АВ томонидан 3.06.2013 йилда 2464-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланиш имконияти бўлган суғорилмайдиган ҳамда унумдорлиги паст қишлоқ хўжалиги ер участкаларини аниқлаш қоидалари тасдиқланди.

Қоидаларга мувофиқ суғорилмайдиган ер участкалари деганда суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлмаган ер участкалари ҳамда охириги икки йил давомида ташкилотлар томонидан фойдаланмай бўш турган, мақсадсиз ва самарасиз фойдаланилаётган ерлар тушунилади. Унумдорлиги паст бўлган ер участкалар тупроқнинг унумдорлик даражаси бўйича бонитет балли 40 дан паст бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалардир.

Ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланиш имконияти бўлган суғорилмайдиган ҳамда унумдорлиги паст бўлган ер участкаларини аниқлаш бўйича жойларда ишчи гуруҳ тузилади, унинг таркибига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бошқарма ва унинг бўлимлари, «Ергеодеза-дастр» давлат қўмитасининг, «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ҳудудий бошқармалари, «Ўздаверлоийҳа» институтининг, Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг, «Ўзбекнефтегаз» МХК ҳудудий бўлимлари, «Ўзбекэнерго» ДАКнинг ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг вакиллари киритилади. Қоидаларда ишчи гуруҳнинг вазифалари рўйхати берилган.

Ишчи гуруҳларнинг тақлифлари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан ҳар йили 1 ноябргача бўлган муддатда «Ергеодезадастр» давлат қўмитаси ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси ер массивларини танлаб оладилар ҳамда якка тартибдаги уй-жой ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар қуриш учун «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясига топширадилар.

Хужжат Президентнинг «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 йил Дастури тўғрисида»ги қарорига (4.01.2013 йилдаги ПҚ-1902-сон) мувофиқ қабул қилинди.

НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ ЯНГИЛАНДИ

Марказий банк Бошқарувининг қарори (АВ томонидан 3.06.2013 йилда 2465-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги янги низоми тасдиқланди («СБХ»нинг ўтган сонидagi хужжатлар пакетида чоп этилди). Илгари амал қилган Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низоми (АВ томонидан 15.04.2002 йилда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ўз кучини йўқотган деб топилди.

Шу ўринда янги Низоми илгари амал қилган хужжатнинг асосий принципларини сақлаб қолганини қайд этиб ўтиш лозим. Аввал бўлганидек, у нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширувчи республика резидентлари ва норезидентлари – барча юридик ва жисмоний шахсларга татбиқ этилиб, тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкассо топшириқномаси, тижорат банкнинг ҳисоб-китоб чеки, аккредитив бўйича, банк пластик карталаридан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоблар каби шакллари тартибга солади. Бироқ Низомида бир қатор янги меъёрлар ҳам мавжуд.

Уларнинг бир қисми жорий этилишини ахборот-коммуникация технологиялари қўлланиши билан тақозо этилган бўлиб, банклар ва уларнинг мижозлари Интернет тармоғи, тўлов тизимлари орқали ўзаро муносабат ўрнатиш тартибини белгилайди.

Хусусан, янги Низомига мувофиқ, электрон кўринишда олинган тўлов хужжатлари қоғоз шаклида тақдим этилган муддатдаги каби ижро этилади. Яъни, агар хужжат банк амалиёт куни давомида келиб тушган бўлса – шу куни; у тугагандан кейин келиб тушганда эса – кейинги иш кунидан кечиктирмай ижро этилади, алоҳида ҳолатлар бундан мустасно.

Низомида белгиланишича, банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизими орқали юборилган электрон тўлов топшириқномаларнинг қоғоз кўринишидаги асл нусхаси банкка тақдим этилмайди. Электрон тўлов топшириқномаларининг расмийлаштирилиши ва улардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун мижоз жавобгар ҳисобланади.

Бундан ташқари, янги Низоми билан қуйидагилар аниқлаштирилган:

мемориал ордердан мижозлар билан боғлиқ банк операциялари бўйича ҳисоб-китобларда; банк хизматларини кўрсатиш бўйича ҳисоб-китобларда; банкларнинг ўз ички операцияларида; мижознинг қарздорлик маблағларини қоплашда (агар банклар билан мижоз-

лар ўртасида тузилган шартномада белгилаб қўйилган бўлса); бухгалтерия ҳисобидаги хато ёзувларни тузатишда; жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ёзма топшириқлари бўйича маблағларни нақд пулсиз шаклда ўтказишни амалга оширишда фойдаланилади;

банк маблағларни тўловчи бўлиб қатнашганда ва бухгалтерия ҳисобидаги хато ёзувларни тузатишда, мемориал ордерлар банк раҳбари ва бош бухгалтерининг имзолари билан тасдиқланади;

мемориал ордерлар билан амалга оширилган операцияларнинг тўғрилиги учун банк раҳбари ва бош бухгалтеридан ташқари мижознинг банк ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи бухгалтер ҳам жавобгар ҳисобланади;

агар ташкилотда бухгалтер бўлмаса, маблағларни олувчи унга хизмат кўрсатувчи банкка тўлов талабномаси билан бирга тақдим этадиган реестрда ташкилот раҳбари имзосининг бўлиши етарли;

суд ижрочилари томонидан банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ундиришга қўйиладиган инкассо топшириқномаларига ижро хужжатиининг илова қилиниши талаб этилмайди;

инкассо топшириқномалари бўйича маблағларни ундириб олишни тўхтатиб қўйиш ёки чақириб олиш инкассо топшириқномасини тақдим этган орган томонидан ёки суд қарорига мувофиқ амалга оширилади. Шунингдек инкассо топшириқномаси суд қарорига асосан бекор қилиниши мумкин.

Қарор «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами»да 10 июнда расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.

ҚҚСНИ ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИДАГИ
ЎЗГАРТИРИШЛАР

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори (АВ томонидан 21.06.2013 йилда 1807-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солигининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомига айрим ўзгаришлар киритилди.

Жумладан:

давлат солиқ хизмати органининг хулосасида белгиланган сумма доирасидаги маблағлар корхонанинг банк ҳисобварағига республика бюджетининг асосий 23402-ҳисобварағидан эмас, Ягона ғазна ҳисобварағидан ўтказиладиган бўлди;

ҚҚСни қайтариш учун солиқ тўловчи тақдим этадиган хужжатлар рўйхатига, агарда юклаб жўнатилган товар учун турли чет эл валютасида тушган валюта тушуми мавжуд бўлса, юклаб жўнатиш амалга оширилган ойнинг сўнгги кунидagi курс бўйича миллий валютада (сўмда) қайта ҳисоб-китоб қўшилди;

халқаро йўналишда ташиш бўйича хизматлар кўрсатиш натижасида ҳосил бўлган ҚҚС суммасини қайтариш хужжатлари алоҳида шаклда юритиладиган бўлди;

ҚҚС суммаси Ҳазначилик томонидан қайтариш учун тегишли хулосалар олинган кундан эътиборан 2 иш куни мобайнида тўлаб берилади.

Хужжат билан бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилган.

Тақдим этилган хужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юристларимиз тайёрладилар.

МДХ ВА БОЛТИҚБУИИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ,
ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	24.06.2013	1	0,7845	1	1,0275	1	0,0239
Арманистон	21.06.2013	1	411,28	1	543,92	1	12,54
Беларусь	25.06.2013	1	8730,00	1	11440,00	1	265,50
Грузия	24.06.2013	1	1,6552	1	2,1880	100	5,0551
Қозоғистон	24.06.2013	1	151,54	1	200,26	1	4,61
Қирғизистон	25.06.2013	1	48,5278	1	63,5981	1	1,4746
Латвия	25.06.2013	1	0,531000	1	0,702804	1	0,016100
Литва	25.06.2013	1	2,6072	1	3,4528	1	0,079645
Молдова	24.06.2013	1	12,4168	1	16,4070	1	0,3785
Россия	25.06.2013	1	32,9097	1	43,1018	—	—
Тожикистон	24.06.2013	1	4,7625	1	6,2501	1	0,1501
Украина	25.06.2013	100	799,3000	100	1053,4774	10	2,4411
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 25 июндan бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1926,07	1 Польша злотийси	630,26
1 Англия фунт стерлинги	3218,56	1 СДР	3170,27
1 Дания кронаси	367,49	1 Туркия лираси	1080,31
1 БАА дирҳами	569,89	1 Швейцария франки	2232,88
1 АҚШ доллари	2093,10	1 ЕВРО	2787,43
1 Миср фунти	298,86	10 Жанубий Корея вони	18,07
1 Исландия кронаси	16,97	10 Япония иенаси	212,35
1 Канада доллари	1994,38	1 Россия рубли	63,92
1 Хитой юани	341,06	1 Украина гривнаси	261,87
1 Малайзия ринггити	650,84		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган

УШБУ
СОНДА:

● ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

– Давлат бюджетининг 2013 йил биринчи чорагидаги ижроси кўриб чиқилди **1-бет**

● ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги хужжатларни тақдим этамиз
– Валюталар курси **1-2-бетлар**

● ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАР

– Етказиб бериш шунчаки олди-сотди эмас
– Меҳнат шартномасининг фуқаролик-ҳуқуқий шартномадан жиддий фарқи бор **3-бет**

● КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Ҳайдовчи тўлиқ жавобгар бўладими?
– Касалхона жазодан қутқариб қолмайди

– Агар раисликка сайлашмаса...

– Синов пайтида касал бўлиш

– Таътил ўрнига пулини олмоқчиман **4-6-бетлар**

● ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ

– Инвесторлар учун рағбат ва қулайликлар **7-бет**

● КРИМИНАЛИСТ ЭКСПЕРТ ЁН ДАФТАРИДАН

– Дардни яширсанг... **8-бет**

ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШУНЧАКИ ОЛДИ-СОТДИ ЭМАС

Биз ўз фаолиятимизни эндигина бошлаяпмиз, бироқ ҳозирданоқ ҳамкорларимиз – маҳсулот етказиб берувчилар, харидорлар билан маҳсулот етказиб бериш ва олди-сотди шартномалари бўйича бир қатор саволларга тўқнаш келдик. Уларни тузишда нималарни ҳисобга олиш керак?

А.Қудабеков, С.Холиқов.
Андижон вилояти.

– Тижорат битимларида шартноманинг тўғри шаклини танлаш муҳим. Бу тузилаётган битимнинг моҳиятини аниқ акс эттириш, тарафларнинг муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларини қайд этиш имконини беради.

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси олди-сотди шартномасининг тури ҳисобланади. У тадбиркорлик соҳасида шартномаларнинг энг кенг тарқалган шакллари билан бири бўлиб, тадбиркорларнинг ҳўжалик фаолиятида деярли бутун товар оборотини қамраб олади. Уни тузиш корхоналар учун ҳам, якка тартибдаги тадбиркорлар учун ҳам қулай, чунки у товарларни ишлаб чиқарувчилар билан реализация қилувчилар ўртасидаги муносабатларни жуда аниқ тартибга солади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасига, агар улар Фуқаролик кодексининг (ФК) маҳсулот етказиб бериш шартномаси тўғрисидаги қоидаларига зид келмаса, ФК 29-бобининг 1-параграфида назарда тутилган олди-сотди шартномасининг умумий қоидалари қўлланади.


Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг асосий хусусияти – унинг предмети бўлган товардан фойдаланиш алоҳида хусусиятга эгаллиги. Унга мувофиқ маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи харидорга тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий, маиший ва шунга ўхшаш фойдаланиш билан боғлиқ

бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун товарларни топширади. Тадбиркорлик мақсадлари жумласига харидор ташкилоти фаолиятини таъминлаш учун товарлар (ташкилий техника, офис мебелли, таъмирлаш ишлари учун материаллар ва ҳоказо) харид қилиши ҳам киради.

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси бошқа шартномалардан субъектлари билан фарқланади – фақат юридик шахслар ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ана шундай субъектлар бўла оладилар. Якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатдан ўтказилмаган жисмоний шахслар маҳсулот етказиб бериш тарафи бўла олмайдилар.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг яна бир хусусияти унинг амал қилиш муддати, шунингдек маҳсулот етказиб бериш муддатлари ва (ёки) даврлари ҳисобланади. ФКнинг 438-моддасига кўра маҳсулот етказиб бериш шартномаси 1 йилга, 1 йилдан ортиқ муддатга (узок муддатли шартнома) ёки тарафлар келишувидан назарда тутилган бошқа муддатга тузилиши мумкин. Агар унинг амал қилиш муддати белгиланмаган бўлса, шартнома 1 йилга тузилган деб ҳисобланади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси келишувли, ҳақ тўланадиган, икки тарафлама бўлади. Яъни, моҳиятига



кўра, у мол-мулкни кўрсатилган муддатда тақдим этиш мажбурияти бўлиб, ушбу муддат битим тузиш пайтига мос келмайди. Маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузиш вақти ва унинг амалда ижро этилиши мос тушмайди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, маҳсулот етказиб бериш шартно-

малари билан тарафларнинг тадбиркорлик фаолиятида ёки шахсий, оилавий, маиший ёки шу сингари бошқача фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган товарларнинг мунтазам олди-сотдиси бўйича муносабатлари расмийлаштирилади.

P.S. Кейинги вақтда тадбиркорлар орасида маҳсулот етказиб бериш шартномасига етказиб бериш тўғрисида хабардор қилиш тартиби ҳақидаги шартларни киритиш оммавий тус олди. Мазкур тартибда назарда тутилишича, харидор маҳсулот етказиб берувчига товарларни наватдаги етказиб беришнинг зарурлиги тўғрисида хабарнома (буюртманнома) юборади, шундан сўнг маҳсулот етказиб берувчи мажбуриятнинг ушбу қисмини бажаради. Мазкур вариантда буюртманнома олинган пайтдан бошлаб маҳсулот етказиб берувчи маҳсулотни наватдаги етказиб беришга мажбур бўлган муддатни кўрсатиш керак.

МИСОЛ. «Товар факс ёки почта орқали ёхуд курьер ёрдамида юридик (почта) манзилига юборилган Харидорнинг буюртманомалари асосида туркумлар билан етказиб берилади. Товарлар мазкур шартноманинг _____ бандига мувофиқ етказиб бериладиган товар учун Маҳсулот етказиб берувчининг ҳисоб-китоб рақамига олдиндан ҳақ келиб тушган ва Харидордан кўрсатилган ҳажмда буюртма олинган пайтдан бошлаб _____ календарь кун мобайнида етказиб берилади. Маҳсулот етказиб берувчи товарни Харидорга топширишга қадар уни лозим даражада сақлаш шартларига риоя этилишини қафолатлайди».

Ахтам ҲИКМАТОВ, адвокат.

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАДАН ЖИДДИЙ ФАРҚИ БОР

Пойтахтдаги хусусий медиа корхонасининг раҳбари менга шартнома, бироқ меҳнат шартномаси эмас, балки фуқаролик шартномаси тузишни таклиф қилди. Бироқ, эшитишимча, у ходим сифатида манфаатларимни меҳнат шартномаси билан таққослаганда бир қадар даражада камситар экан. Ҳақиқатан ҳам шундайми?

П.С., веб-дизайнер.
Тошкент шаҳри.

– Меҳнат шартномаси билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома ўртасидаги фарқлар ғоятда жиддий тусга эга, чунки уларга доир муносабатларни турли меъёрий ҳужжатлар тартибга солади.


Фуқаролик-ҳуқуқий шартнома шахслар ўртасидаги якка тартибдаги битим бўлиб, у ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиш, ўзгариш ва бекор қилиш тартибини белгилайди. Мазкур соҳадаги мажбуриятларни ФК ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тартибга солади.

Фуқаролик-ҳуқуқий шартномага кўра, меҳнат шартномасидан фарқ қилиб, муайян муддатда якка тартибдаги аниқ вазифа (топширик, буюртма ва бошқалар) бажарилади. Унинг предмети меҳнат шартномасига биноан бўлганидек бевосита меҳнат жараёни эмас, балки пировард меҳнат натижаси (масалан, тайёрланган бухгалтерия ҳисоботи, қурилган ёки таъмирланган бино, ет-

казиб берилган юк, сайтнинг web-дизайни, ишлаб чиқилган дастурий маҳсулот ва ҳоказо) ҳисобланади.

Меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, ма- лака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишувли, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир. Ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафлари бўлиб ҳисобланадилар. Улар ўртасидаги муносабатлар аввало Меҳнат кодекси билан тартибга солинади.

Яъни меҳнат шартномасининг ўзига хос жиҳатлари қуйидагиларда ифодаланади, биринчидан, ходим ўз вазифаларини бажаришини унинг меҳнат жамоаси таркибига кириши тақозо этган, иккинчидан, у меҳнат вазифасини шахсан ўзи, ўз меҳнати билан амалга



ошириши керак, чунки юзага келадиган муносабатлар айна унинг салоҳиятини меҳнат фаолиятининг муайян турига қўллаш билан боғланган. Ходимнинг корхонада белгиланган ички меҳнат тартиби қоидалари, меҳнат режими, иш берувчининг унинг ишига тааллуқли кўрсатмаларига бўйсунуши шартлиги меҳнат муносабатларининг муҳим хусусиятидир.

Меҳнат шартномаси бўйича ишловчига қонун ҳужжатлари билан бир қатор қафолатлар тақдим этилган. Улар жумласида:

- ҳар ярим ойда камида 1 маротаба меҳнатга ҳақ тўлаш;

- муддатлари чегараси белгиланган иш вақтини ўрнатиш;

- дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш

жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари;

- ижтимоий таътиллари;

- меҳнатга қобилиятсизлик варақаси (касаллик варақаси) га ҳақ тўлаш;

- меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилинганда моддий мадад бериш учун белгиланган қўшимча қафолатлар;

- давлат органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланган ходимларни ишга жойлаштириш юзасидан қўшимча қафолатлар;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда иш берувчидан меҳнат шартшароитларини ўзгартиришни талаб қилиш ҳуқуқи.

Фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича шахс қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ҳақ олиш (агар иш мудда-

тида ва тегишли сифат билан бажарилган бўлса);

- иш ёки хизмат кўрсатиш жойига эркин кира олиш;

- ўз вақтидан эркин фойдаланиш (одатда тарафларнинг бирортаси иккинчи тарафни муайян тартибга риоя этишга мажбур этишга ҳақли эмас – асосийси, иш шартнома билан белгиланган муддатда бажарилиши).

Фуқаролик-ҳуқуқий шартномага кўра бир тараф бошқа тарафга бўйсунмасдан иш бажаради, шахс корхона штатида турмайди ва жамоа аъзоси ҳисобланмайди. Фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича ишловчига меҳнат шартномасига биноан ишловчидан фарқли равишда интизомий жазо чораларини қўллаб бўлмайди. Фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузиб ёллашда меҳнат дафтарчаси юритилмайди. Ҳақ миқдори келишувга кўра белгиланади. У ҳатто қонун билан белгиланган энг кам миқдордан кам бўлиши мумкин. Ҳақ одатда иш туганидан кейин, ишнинг пировард натижаси учун берилади. Фуқаролик-ҳуқуқий шартномани, меҳнат шартномасидан фарқли равишда, дастлабки синов шарт билан тузиб бўлмайди. У бўйича ишловчиларга таътил, шу жумладан ижтимоий таътил ҳам берилмайди.

Ленара ХИКМАТОВА,
юрист.

ҲАЙДОВЧИ ТЎЛИҚ ЖАВОБГАР БЎЛАДИМИ?

Қандай ходимлар билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномани тузиш мумкин? Уни корхона ҳайдовчиси билан тузса бўладими?

А.Финютина,
корхона бош бухгалтери.

– Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида амал қиладиган умумий қоидага кўра корхонага етказилган зарар учун ходим фақат ўзининг ўртача ойлик иш ҳақи доирасида **чекланган моддий жавобгарликка** тортилади. Тўлиқ моддий жавобгарлик ходим зиммасига иш берувчига етказилган тўғридан-тўғри ҳақиқий зарарни тўлиқ қоплаш мажбуриятини юклайди.

Ходимнинг иш берувчи олдидаги тўлиқ моддий жавобгарлиги ҳоллари Меҳнат кодекси (МК)нинг 202-моддасида кўрсатилган. Чунончи, масалан, бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қиладиган ходим махсус ёзма

шартномага асосан уларнинг бут сақланишини таъминламаганлик учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади.

18 ёшга тўлган, пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилувчи ходим билан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам меҳнат шартномасига қўшимча равишда тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида махсус ёзма шартнома тузилиши мумкин. Агар у талабгор бўлган иш (лавозим) бундай шартнома тузишни талаб қилса, ходим эса уни тузишга рози бўлмаса, иш берувчи уни ишга қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

Пул қимматликларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ

лавозимлар бўлиб, масалан, кассир, инкассатор, товар қимматликларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ лавозимлар – товаршунос, омбор мудири, маркетинг ва таъминот агенти лавозимлари ҳисобланади.

Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари рўйхати жамоа шартномаси билан белгиланади. Агар бундай шартнома бўлмаса, иш берувчи билан **касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга** биноан белгиланади.

Меҳнат вазирлигининг 2.04.1996 йилдаги 2/4-сон қарори билан Мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхона, муассаса, ташкилотлар уларга сақлаш, қайта ишлаш, сотиш (бериш), ташиш ёки ишлаб чиқариш жа-

раёнида қўллаш учун берилган қимматликларнинг бут сақланишини таъминламаганлик учун тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартномалар тузиши мумкин бўлган ходимлар эгаллайдиган ёки бажарадиган лавозимлар ва ишларнинг намунавий рўйхати тасдиқланган. Унда «ҳайдовчи» лавозими кўрсатилмаган.

Шу боис, фикримча, транспорт воситасига нисбатан ҳайдовчи билан тўлиқ моддий жавобгарлик шартномасини тузиш қонун ҳужжатларида мувофиқ келмайди. Автомобиль, ҳайдовчи унинг ёрдамида моддий қимматликларни ташийдиган восита ҳисобланади холос.

Айни вақтда, МКнинг 202-моддасига мувофиқ, етказилган зарарнинг тўлиқ

миқдорида моддий жавобгарлик қасддан зарар етказилган, алкоғолли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида зарар етказилган ҳолларда ёки ходимнинг суд ҳукми билан аниқланган жиноий ҳаракатлари натижасида зарар етказилганда ходим зиммасига юкланади.

Шу тариқа, ҳайдовчи унга қасддан ёки алкоғолли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида ёки суд ҳукми билан аниқланган жиноий ҳаракатлар натижасида зарар етказилган тақдирдагина иш берувчи уни тўлиқ моддий жавобгарликка тортиши мумкин.

Ахтам ҲИКМАТОВ,
адвокат.

Хизмат вазибаларига пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилиш қилмайдиган ходим билан тузилган тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома **ҳақиқий эмас** деб топилади!

ЭҲТИЁТСИЗ ХОДИМНИ ҚАНДАЙ ЖАЗОЛАШ КЕРАК?



Офис-менежернинг хонасини йиғиштираётган фаррош аёл эҳтиётсизлик қилиб компьютерга тегиб кетди, компьютер столдан тушиб кетиб, унинг 300 000 сўм турадиган LCD монитори синди. Фаррошнинг ўртача ойлик иш ҳақи 400 000 сўмни ташкил қилади. Ундан бузилган мониторнинг тўлиқ қийматини ундирсак бўладими ёки йўқми?

Д.Серпик, МЧЖ бош бухгалтери.

– Ходимнинг тўлиқ моддий жавобгарлиги ҳоллари Меҳнат кодекси (МК)нинг 202-моддасида келтирилган. Агар унда сизни қизиқтираётган ҳол кўрсатилмаган бўлса, ходим ўзининг ўртача ойлик иш ҳақи доирасида моддий жавобгар бўлиши керак. У охириги 2 ой учун меҳнат ҳақидан белгиланади. Меҳнат ҳақидан умумий қоидага кўра ходимнинг ёзма розилиги билан, розилик бўлмаганда эса – суднинг қарорига кўра ушлаб қолиш мумкин.

Бироқ МКнинг 164-моддасига мувофиқ ходимнинг розилигидан қатъи назар, агар зарарнинг миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошмаса, ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш учун ушлаб қолиш амалга оширилади. Агар ходимдан ундирилмаган етказилган зарар суммаси унинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошса ёки зарар

аниқланган кундан бошлаб бир ойлик муддат ўтиб кетган бўлса, ундирув суд тартибида амалга оширилади.

Бироқ сиз ходимнинг иш ҳақидан бирданига 300 000 сўмни ундириш тўғрисида буйруқ чиқара олмайсиз, сабаби **ушланмаларнинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг 50%идан ошмаслиги керак**.

Шу тариқа, агар охириги 2 календарь ой мобайнида фаррошнинг ўртача ойлик иш ҳақи 400 000 сўмни ташкил қилса ва зарар аниқланган кундан бошлаб бир ой ўтмаган бўлса, ундан етказилган зарарнинг тўлиқ суммасини ундириш мумкин. Бироқ ушланмаларнинг (уларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳам киради) умумий миқдори унга тўланадиган иш ҳақининг 50%идан ошмаслиги учун уларни бир неча қисмга бўлиш лозим.

Ходим ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш учун яна икки ҳафта ишлаб бериши шартми?

Т.Кагарлицкая,
кўп тармоқли компаниянинг офис-менежери.

ИШЛАБ БЕРИШ ЭМАС, ОГОҲЛАНТИРИШ КЕРАК

– Меҳнат кодекси (МК)нинг 99-моддасига мувофиқ ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини, шунингдек муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, унинг мобайнида ўзининг лавозим вазибаларини бажариши шарт бўлган икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир. Ушбу икки ҳафталик муддатни «ишлаб бериш» деб атаб бўлмайди. МКнинг 99-моддаси «ишлаб бериш» муддатини эмас, балки ходим томонидан иш берувчини у билан меҳнат муносабатлари бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантириш муддатини назарда тутди.

Чунончи, меҳнат шартномасини, масалан, 15 майда бекор қилишни хоҳловчи ходим тегишли аризани 1 майда, яъни 14 календарь кундан аввал бериши керак. Мазкур ҳолда охириги иш кунини ва меҳнат шартномасини бекор қилиш кунини бўлиб 15 май ҳисобланади.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризани ходим исталган вақтда, шу жумладан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, таътилда, хизмат сафарида бўлиш ва ҳоказо даврларда беришга ҳақлидир. Уларнинг ҳаммаси меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги белгиланган огоҳлантириш муддати ҳисобига ўтади.

Ходим ва иш берувчи меҳнат муносабатларини бекор қилиш тўғрисида келишув-

га огоҳлантиришнинг 2 ҳафталик муддати тугашигача ҳам, масалан, ишдан бўшатиш тўғрисида ариза берилган кунда келишлари мумкин.

Қонун билан белгиланган ёки ахдлашув бўйича қисқартирилган огоҳлантириш муддати тугаганидан кейин ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса унга меҳнат дафтарчаси, меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисида буйруқ нусхасини беришга ва у билан ҳисоб-китоб қилишга мажбур. Иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишни ходимнинг ташаббусига кўра, шу жумладан бошланган ишни якунламаслик, қарзи йўқлик варақасини имзоламаслик, ишдан бўшатилаётган ходим номига қайд этилган моддий қимматликлар муносабати билан тўхтатиб туришга йўл қўйилмайди.

Агар меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш ҳақидаги ариза у ўз ишини давом эттиришининг имкони йўқлиги (ўқув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланганлиги, тиббий ҳулосага мувофиқ мазкур ишни бажаришга тўқтинлик қилувчи соғлиғининг аҳволи, оила аъзоси – I гуруҳ ногиронига қараб туришнинг зарурлиги ва бошқа ҳоллар) билан боғлиқ бўлса, **иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилган муддатда бекор қилиши керак**.

Ленара ХИКМАТОВА, юрист.

РЕКЛАМА

“AMIR-AUDIT” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти

28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.

ЎзР АБнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

Ўзбекистон
Республикасидаги
барча ҳўжалик юритувчи
субъектларда аудиторлик
текширувлари ўтказиш

Малака сертификатли
аудиторларни ишга қабул
қилиш

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Тел.: (+99890) 187-04-68, (+99894) 644-62-23,
296-55-78; факс: (8371) 296-52-15

ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

«ASR ADVOKATI» адвокатлик бюроси қуйидаги хизматларни кўрсатади: исталган мураккабликдаги ҳўжалик низолари, жиноий ишлар, дебиторлик қарзини ундириш*.
Тел.: (+998 90) 989-19-07.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.
Тел.: 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

ХИЗМАТЛАР

Лазерли принтерларни
тўлдириш. Мақбул нархлар.
Жойига чиқиш билан.
Тел.: 127-15-28.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳўжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда.
Тел.: 236-76-46,
233-74-95, 233-17-56.

Ташкилотимизда таркибий қайта ташкил этиш амалга ошириляпти. Меҳнат шартлари ҳам қисман ўзгаради. Биз бу ҳолда ишлаётган ходимларнинг мансаб йўриқномаларини ўзгартиришимиз мумкинми?

Г.Б., юрисконсульт.

СИХ ҲАМ КУЙМАСИН, КАБОБ ҲАМ

— Ҳақиқатан ҳам, баъзан иш берувчининг корхона ишини яхшилаш ва такомиллаштириш, ходимлардан оқилона фойдаланиш учун ходимларнинг меҳнат шартларини ўзгартиришига тўғри келади.

Эслатиб ўтамиз, Меҳнат кодексининг (МК) 89-моддасига кўра, иш берувчи ходимнинг розилигисиз меҳнат шартларини ўзгартиришга фақат технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқарганлиги, башарти бундай ўзгаришлар ходимлар сони ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келиши олдиндан аниқ бўлган ҳоллардагина ҳақлидир. Ташкилий ва технологик ўзгартиришлар ҳужжат билан тасдиқланиши керак.

Меҳнат шартлари деганда меҳнат жараёнидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омилларининг жами тушунилади. Ижтимоий омиллар жумласига меҳнат ҳақи миқдори, иш вақтининг, таътилнинг муддати ва бошқа шартлар киради. Техника, санитария, гигиена оид, ишлаб чиқариш-маиший ва бошқа омиллар ишлаб чиқариш омиллари деб ҳисобланади.

Меҳнат шартлари ўзгарганда ходимнинг мансаб йўриқномасини ўзгартириш мумкинлигини тушуниш учун уни ўқиб чиқиш лозим. Йўриқнома, одатда, мазкур лавозимни эгаллаган ходимнинг лавозим (хизмат) вазифалари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги, ўзаро муносабатларини назарда тутди.

Кўрамизки, йўриқномада на меҳнат ҳақи миқдори, на иш вақти ва таътилнинг қанча давом этиши, на техник, на санитария, на гигиеник, на ишлаб чиқариш-маиший шартлар кўрсатилмайди. Сиз унда нимани ўзгартирмоқчисиз?

Мансаб йўриқномасида асосан ходимнинг меҳнат функцияси тўғрисида сўз юритилади. Меҳнат функциясини ўзгартиришга эса қонунчилик

МАНСАБ ЙЎРИҚНОМАСИ



В.Муромцев расми

меҳнат шартларини ўзгартириш сифатида эмас, балки бошқа ишга ўтказиш сифатида қарайди. Бошқа доимий ишга ўтказиш (ходимнинг меҳнат функциясини ўзгартириш) — бошқа ихтисослик, малака, лавозим бўйича иш топшириш эса фақат ходимнинг розилиги билан амалга оширилади.

Шу сабабли, одатда, амалиётда меҳнат шартлари ўзгарганда (бунда одатда иш режими, меҳнат ҳақи, иш вақти давомийлиги кабилар ўзгаради) ходимнинг мансаб йўриқномаси ўзгартирилмайди. Агар унда меҳнат шартларига ҳаволалар бўлса, улар МКнинг 89-моддаси бўйича ўзгарганда тегишли тузатишни ходимнинг розилигисиз ҳам киритиш мумкин. Бироқ бундан олдин иш берувчи меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида ходимни камида 2 ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб тилхат олиши шарт.

Ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш зарурати юзага келганда иш берувчи МКнинг 89-моддасига қатъиян мувофиқликда ҳаракат қилиши керак, унинг талаблари ижро этиш учун мажбурийдир.

ИШ БЕРУВЧИ ШУНДАЙ ҚИЛА ОЛАДИМИ?

Иш берувчи ходимнинг мансаб йўриқномасини унинг розилигисиз ўзгартиришга ҳақлими?

Б.Рашидов, А.Савельева
ва банкнинг бошқа ходимлари.

— МКда ходимларнинг мансаб йўриқномаларига ўзгартиришларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва киритиш тартиби белгиланмаган. Амалиётда иш берувчи уларни мустақил равишда ишлаб чиқади. Мансаб йўриқномаси уни ташкилот раҳбари тасдиқлаган пайтдан бошлаб кучга киради ва янги ҳужжат билан алмаштирилгунга қадар амал қилади.

Локал меъёрий ҳужжатлар қабул қилинадиган тартибдагидек ўзгартирилади: уларни иш берувчи мустақил равишда тасдиқлаганлиги боис, мазкур ҳужжатларга мустақил равишда ўзгартиришлар киритишга ҳам ҳақлидир. Бироқ, МКнинг 178-моддасига кўра, ҳар бир ходим ўзига юклатиладиган меҳнат вазифалари доираси билан олдиндан таништирилиши лозим. Шу сабабли меҳнат шартномасини имзолашдан олдин ходим ўзининг мансаб йўриқномаси билан танишиб чиқиши лозим — зеро у ўзининг мансаб йўриқномасида мустаҳкамланган ҳажм ва мажбуриятларга амал қилиб, корхона билан меҳнат муносабатларига киришади.

Гарчи иш берувчи ходимларнинг мансаб йўриқномаларига исталган вақтда ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга бўлса-да, бироқ ўзгартирилган ҳужжатлар фақат корхонага янги қабул қилинадиган ходимларга татбиқ этилади. Ушбу лавозимда ишлаётган ходим мансаб йўриқномасининг янги талабларини бажариши учун уни ўзгартиришлар билан шунчаки таништириш етарли эмас, балки уларга розилигини ҳам олиш керак.

Агар мансаб йўриқномасига ўзгартиришлар ходимнинг ро-

зилигисиз киритилган бўлса, у зиммасига қўшимча юкланган вазифаларни бажаришдан бош тортишга ҳақли. Ўзининг мансаб вазифалари ўзгартирилишига ёзма розилик бермаган ходим ишга қабул қилинган чоғида мансаб йўриқномасида кўрсатилган аввалги шартларда ишлашни давом эттириш ҳуқуқига эгадир.

Шундай бўлса-да, бошқача ҳолатлар ҳам учраши мумкин. Агар иш берувчи асосли равишда (олдиндан касабга уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа ваколатли органи билан келишган ҳолда) иш шарт-шароитини технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги билан боғлиқ объектив сабаблар бўйича ўзгартирган, улар эса мансаб вазифаларини ҳам ўзгартиришга олиб келган бўлса, ходим олдида уларни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик муаммоси турмайди. У янги шартларда ва ўзгарган вазифаларни зиммасига олиб ишлаши керак. Акс ҳолда, МКнинг 100-моддасига биноан, номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномаси ҳам иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинади.



КАСАЛХОНА ЖАЗОДАН ҚУТҚАРИБ ҚОЛМАЙДИ

Ходим ишга бир неча мартаба бир соатга кечикиб келди. Биз унга ҳайфсан эълон қилмоқчи бўлиб турганимизда у касал бўлиб қолди, ҳали-бери ишга чиқмаса керак. Агар у мазкур вақтда касаллик варақаси олиб даволанаётган бўлса, унга нисбатан интизомий жазо қўлланиши мумкинми?

Г.Абдурахмонова,
ИТИ кадрлар бўлими.

— Ходимга нисбатан интизомий жазолар қўллашнинг умумий тартиби МКнинг 182-моддасида назарда тутилган. Чунончи, МКнинг 181-моддасига кўра, ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи куйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

1) ҳайфсан;
2) ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга иш ҳақининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари назарда тутилиши мумкин;

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш.

МКнинг 100-моддасига кўра ходимнинг вақтинча меҳ-

натга қобилиятсизлик даври, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътиллarda бўлган вақтида иш берувчи ўз ташаббуси билан ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли эмас, бундан корхона бутунлай тугатилган ҳоллар мустасно. Шу боис ходимнинг касаллиги вақтида иш берувчи фақат ҳайфсан ёки жарима қўллашга ҳақлидир. Бунда биргина ноҳўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин. Чунончи, МК интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати олишни талаб қилади. Ходимнинг уни бериш-

дан бош тортиши унинг илгари содир қилган ноҳўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди. Бироқ сизнинг ҳолатда касал бўлиб қолган ходимдан қандай қилиб тушунтириш хати олиш масаласи юзага келади. Албатта, унга содир этган интизомий хатти-ҳаракати тўғрисида ёзма тушунтириш тақдим этиши сўралган телеграмма ёки хат жўнатиш мумкин. Бироқ у касалхонада ётган бўлиши ёки тушунтириш хати ёзишга жисмонан мадори етмаслиги мумкин (бу масалада унинг ҳузурига ходимни юбориш ноқулай ва баҳсли бўлиши ҳам мумкин). Шу сабабли ходимнинг ишга чиқишини кутишингизни маслаҳат берамиз, бунинг устига МКнинг 182-моддасига кўра, интизомий жазо бевожуба ноҳўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо у аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан 1 ой ичида қўлланилади.

Агар ходим содир этган ноҳўя хатти-ҳаракат бўйича тушунтириш хати тақдим этгандан ёки бундай тушунтириш хати беришдан бош тортганидан (бу ҳақда тегишли далолатнома тузилганидан) кейин касал бўлган бўлса, иш берувчи унга ҳайфсан ёки жарима тарзида интизомий жазо қўллаш тўғрисида буйруқни расмийлаштиришга ҳақлидир. Бироқ ушбу ҳолда ҳам айбдорни унга интизомий жазо қўлланиши тўғрисидаги буйруқ билан таништириш лозим. Зеро, МКнинг 182-моддасига кўра, интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

Ходим ушбу буйруқ (фармойиш) билан танишмагунча, у билан танишишдан бош тортган тақдирда — тегишли далолатнома тузилгунга қадар ходимга нисбатан интизомий жазо қўллаш бўйича бутун таомил тугал-

ланган деб ҳисобланмайди. Шу боис, агар бундай буйруқ меҳнатга қобилиятсизлик даврида чиқарилса, биз ходимни ишга чиққанидан кейин у билан таништиришни тавсия қиламиз.

Шуни ҳам эслатамизки, МКнинг 182-моддасига кўра, ноҳўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб 6 ой ўтганидан, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса, — содир этилган кундан бошлаб 2 йил ўтганидан кейин жазони қўллаб бўлмайди. Жиноий иш бўйича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди.

Сўзимиз якунида шуни айтиш жоизки, интизомий жазо юзасидан ходим судда низолашиши мумкин, юқорида кўрсатилган таомилларга риоя этмаслик эса унинг нотўғрилиги тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Саволларга жавобларни юрист Ленера ХИКМАТОВА тайёрлади.

Мен корхонага ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ишлайман. Менга меҳнат дафтарчаси олишга ҳақли эмаслигимни тушунтиришди (чунки штатдаги ходим ҳисобланмайман). Бироқ иш ҳақидан барча тегишли солиқлар чегирилади. Мазкур вазият тўғрими? Агар ходимда меҳнат дафтарчаси бўлмаса, Пенсия жамғармасига ажратмалар қилиниши керакми? Жавобингиз учун олдиндан миннатдорчилик билдираман.

Ш.Бобомирзаева.
Бухоро вилояти.


МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИГА ЎЗИЛМАЙДИГАН ИШ СТАЖИ

— Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг баъзи турлари ташқи жиҳатидан меҳнат муносабатларига ўхшаб кетади. Улар пудрат (Фуқаролик кодексининг 631-моддаси, бундан кейин — ФК), ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси (ФКнинг 703-моддаси), топшириқ, воситачилик шартномалари (ФКнинг 46, 48-боблари) ва бошқа шартномаларда юзага келади. Бироқ улар меҳнат муносабатларидан фарқладиган бошқа қоидалар билан тартибга солинади, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари эса жиддий фарқ қилади.

Фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича ишловчи Меҳнат кодексда назарда тутилган имтиёз ва компенсациялар татбиқ этилмайди.

Фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга кўра ижрочи корхонада белгиланган тартибга бўйсунмайди, балки ўзи ишни ташкил этади, уни таваккалга асосланиб бажаради, меҳнат муҳофазасини таъминлайди. Фақат меҳнатнинг ашёлаштирилган пировард натижаси ёки бажарилган топшириқ учун унинг меҳнатига ҳақ тўланади.

Бироқ Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг (ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова) 47-бандига кўра 2012 йил 1 октябрдан бошлаб фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича ишловчи шахсларнинг иш стажига Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш шарти билан уларнинг иш даври қўшиб ҳисобланади. Бундай иш тўғрисидаги маълумотлар меҳнат дафтарчасига киритилмайди.



АГАР РАИСЛИККА САЙЛАШМАСА...

Мен касба уюшмаси қўмитасининг ишдан озод этилган раисман. Яқинда бизда ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтади, унда касба уюшмаси қўмитасининг янги таркиби сайланади. Мен ўз номзодимни қўйдирмоқчиман. Агар сайланмасам, мени Меҳнат кодексининг қайси моддасига асосан ишдан бўшатишлари мумкин?

М.Нуриддинова.
Тошкент шаҳри.

— Меҳнат кодекси 97-моддасининг 6-бандида меҳнат шартномасини бекор қилишнинг янги муддатга сайланмаганлиги (танлов бўйича ўтмаганлиги) ёхуд сайланишда (танловда) қатнашишни рад этганлиги муносабати

билан деган асоси назарда тутилади. У эгаллаб турган лавозимларига даъвогар бўлган (ариза берган) бўлса-да, сайлов ёки танлов якунлари бўйича иккинчи маротаба сайланмаган сайлаб қўйиладиган ходимларга қўлланади. Агар сайлаб

қўйиладиган ходим ўзи эгаллаб турган лавозимга сайлашлари учун ариза бермаган бўлса, у билан меҳнат муносабатлари сайловда (танловда) иштирок этишни рад этганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Агар сайловлар (танлов) қонун, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки ташкилотнинг устави билан белгиланган уларни ўтказиш шартлари ва тартибига аниқ мувофиқликда ўтказилган тақдирдагина меҳнат шартномасини мазкур асос бўйича бекор қилиш тўғри бўлади.

СИНОВ ПАЙТИДА КАСАЛ БЎЛИШ

Мен ишга тушдим, 2013 йил 16 майдан бошлаб бир ой муддатга синов муддати белгиланган. Касаллик варақасида (8 июнгача) бўлган вақтимда бошлиқ мени ишдан бўшатди. Унинг ҳаракатлари қонунийми?

Ш.Абдуллаев.
Тошкент шаҳри.

— Афсуски, сиз билан меҳнат шартномаси қайси моддага асосан бекор қилинганлигини кўрсатмагансиз. Шундай қилганингизда жавобимиз янада батафсилроқ бўларди.

Одатда дастлабки синов даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва корхонада ўрнатилган меҳнат шартлари тўлиқ татбиқ этилади (Меҳнат кодексининг (МК) 86-моддаси).

МК 85-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилишича, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар дастлабки синов муддатига киритилмайди. Шу сабабли, агар сиз синов муддати даврида (2013 йилнинг 16 майдан 16 июнгача) касал бўлган бўлсангиз, синов муддати сиз касаллик варақаси олиб даволанишда бўлган кунлар сонига, сизнинг ҳолатда — 6 кунга кўчирилади, яъни 2013 йил 22 июнда тугайди.

Иш берувчи синов натижаларининг қониқарсизлиги сабабли меҳнат шартномасини бекор қилиши тўғрисида ходимни дастлабки

синов тугашига камида 3 кун қолганда ёзма равишда огоҳлантириши шарт. Бундай мажбурият мазкур асос бўйича меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда ходим ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлайдиган қўшимча кафолат бўлиб хизмат қилади.

Синов натижаси қониқарсиз бўлганда ходим билан меҳнат шартномаси МКнинг 87-моддасига биноан бекор қилинади. Агар иш берувчи сиз билан меҳнат шартномасини мазкур асосга кўра бекор қилмоқчи бўлган бўлса, ишга чиқишингизни кутиши керак эди.

Сизнинг ҳолатда меҳнат шартномасини бекор қилиш ғайриқонуний деб топилиши мумкин (ҳатто иш берувчи синовдан ўта олмаганлигингизни исботласа ҳам), чунки у меҳнат шартномасини бекор қилиш тартибининг асосий талабларини бузган.

Агар синов натижалари қониқарсиз деб топилишига ва сиз билан меҳнат шартномаси бекор қилинишига рози бўлмасангиз, иш берувчининг қарори устидан судга шикоят қилишга ҳақлисиз.

ТАЪТИЛ ЎРНИГА ПУЛИНИ ОЛМОҚЧИМАН

1996 йил 1 апрелгача меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида таътилни пулли компенсация билан алмаштириш қатъиян тақиқланган, фақат меҳнат шартномаси бекор қилинганда уни тўлаш назарда тутилган эди. Бугунги кунда ходимнинг хоҳишига қараб нафақат меҳнат шартномаси бекор қилинганда, балки иш даврида ҳам, муайян талабларга риоя этилганда, компенсация олиш мумкин.

Таътилни пулли компенсация билан алмаштиришнинг умумий тартиби Меҳнат кодексининг (МК) 151-моддасида назарда тутилган. Унинг иккинчи қисмига кўра ходимларга иш даврида, уларнинг хоҳишига кўра, йиллик таътилни қонун ҳужжатларида белгиланган энг оз муддатидан (15 иш кунидан) ортиқча қисми учун пулли компенсация тўланиши мумкин.

1-МИСОЛ. Ходим 24 иш кунидан иборат йиллик меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эга. Унинг хоҳишига кўра ходимга 15 иш кунидан иборат таътил берилиши, қолган 9 кун учун эса пулли компенсация тўланиши мумкин.

АРИЗА

Менга 2012–13 йиллардаги иш даври учун 24 иш кунини ҳисобидан меҳнат таътили беришингизни, бунда 15 иш кунини аслида, 9 иш кунини эса пулли компенсация кўринишида беришини сўрайман.

БУЙРУҚ

_____ (Ф.И.Ш., лавозим) _____ га 2013 йил 16 майдан 24 иш кунини ҳисобидан меҳнат таътили берилсин, бунда 15 иш кунини

аслида, 9 иш кунини эса — компенсация тарзида берилади. Ишда 2013 йил 1 июнда чиқилади.

Асос: _____ таътиллари жадвали, _____ аризаси, Меҳнат кодексининг (Ф.И.Ш.) 151-моддаси.

Таътилни қолган кунларини асли ҳолида фойдаланилган 15 иш кунини тугаганидан кейин таътилни ис-талган босқичида компенсация билан алмаштириш мумкин. Масалан, 16 кун аслида, 8 кун — компенсация тарзида ёки 20 кун — аслида, 4 кун — компенсация тарзида ва ҳоказо.

2-МИСОЛ. 24 иш кунидан иборат меҳнат таътилига чиққан ходим унинг тугашидан 4 кун олдин ишга чиқишга қарор қилади.

АРИЗА

Менга тегишли бўлган аслида 24 иш кунидан иборат меҳнат таътилининг фойдаланилган 20 кунини ҳисобга олиш, таътилни қолган 4 кунига компенса-ция тўлаш ва ишга _____ (сана) _____ дан чиқишга

рухсат беришингизни сўрайман.

БУЙРУҚ

_____ (Ф.И.Ш., лавозим) _____ нинг унга тегишли 24 иш кунидан иборат бўлган таътилни фойдаланилган 20 иш кунини асли ҳолида, фойдаланилмаган меҳнат таътилининг қолган 4 кунини эса компенсация тарзида ҳисобга олинсин.


_____ (Ф.И.Ш., лавозим) _____ (сана) _____ дан ишга чиқишга рухсат берилсин. Асос: _____ йилдаги _____ -сон буйруқ, _____ (Ф.И.Ш.) _____ аризаси, Меҳнат кодексининг 151-моддаси.

МК 151-моддасининг учинчи қисмида белгиланишича, ижтимоий таътиллarning барча турлари (ҳомилдорлик ва туғиш; болаларни парваришлаш; ўқиш муносабати билан; ижодий таътиллари), шунингдек қонун билан белгиланган бир қатор қўшимча таътиллardan (ноқулай ва оғир меҳнат шaroитларида ишлаганлик; оғир ва ноқулай табиий иқлим шaroитларида ишлаганлик учун) фақат асли ҳолида фойдаланилади ва уларни пулли компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмайди.

Шуни билиш муҳимки, таътилни пулли компенсация билан алмаштириш мумкин эмаслиги тўғрисидаги қоида фақат қонун ҳужжатлари билан белгиланган, юқорида кўрсатилган қўшимча таътиллarning энг кам муддатигагина тааллуқлидир. Агар корхонада, қонун ҳужжатлари билан кафолатланган қўшимча таътиллardan ташқари, жамоа битими ёки меҳнат шартномаси

билан меҳнат таътили хўжалик юритувчи субъектининг ўз маблағлари ҳисобига ҳақи тўланган ҳолда иш кунларининг муайян сонига кўпайтирилган бўлса, уларни пулли компенсация билан алмаштириш имконияти корхонанинг махсус қоидалари билан белгиланади.

Шуни ойдинлаштириб ўтиш лозимки, қонунчилик таътилни пулли компенсация билан алмаштириш имконияти бўлишига йўл қўяди холос, бироқ иш берувчини ҳар бир ҳолда ходимнинг бундай хоҳишини бажаришга мажбур қилмайди. Бинобарин, у ходимнинг таътилни пулли компенсация билан алмаштириш илтимосини қондиришдан бош тортишга ва унга бутун таътилни асли ҳолида беришга ҳақлидир.



ИНВЕСТИТОРЛАР УЧУН РАҒБАТ ВА ҚУЛАЙЛИКЛАР

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида «Фақат ўзининг тор миллий қобиғида қолиб кетмаган бозоргина хорижий инвестицияларнинг катта оқимини жалб қилиб, минтақа мамлакатларининг барқарор ривожланиши ва фаровонлигини таъминлай олади» деб таъкидлаган эди.

Шу маънода Ўзбекистон хорижий инвестициялар, айниқса тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бораётир. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқилган пухта қонунчилик базаси қулай инвестиция муҳитини янада мустаҳкамлаш ҳамда хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатига айланган.

Қулай инвестициявий муҳит ҳақида сўз кетганда, бир қатор қонун ҳужжатларини ёдга олишга тўғри келади. Хусусан, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» (30.04.1998 йилдаги 611-сон), «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги (30.04.1998 йилдаги 609-сон) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президентимизнинг «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида» (30.11.1996 йилдаги ПФ-1652-сон), «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» (11.04.2005 йилдаги ПФ-3594-сон), «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги (10.04.2012 йилдаги ПФ-4434-сон) фармонлари ва бошқа қонун ҳужжатлари республика минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш, шу жумладан юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмалар киритаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш мақсадларини кўзлайди. Масалан, Солиқ кодексининг 59-боби «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар иштирокидаги солиқ тўловчиларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари» деб номланади.

611-сон Қонуннинг 3-моддасида белгиланган меъёрга кўра, агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштиради, унда чет эллик инвесторларга нисбатан инвестициялаш санаида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб 10 йил мобайнида қўлланилади, чет эллик инвестор ўз хоҳишига кўра янги қонун

риш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши бунинг яққол далилидир.

Хорижий инвесторларга бошқа қонун ҳужжатлари қатори Солиқ кодекси билан ҳам бир қатор имтиёзлар белгиланган. Масалан, Кодекснинг 377-моддасида имтиёзларнинг қўлланилиши тартиби, 378-моддасида имтиёзларни қўллаш бошланган сана ҳақида давлат солиқ хизмати органига билдириш юбориши масаласи тартибга солинади.

Инвесторларни мамлакатга жалб этишнинг энг самарали йўлларида бири республикада улар учун махсус зоналарни ташкил этишдир. Шу маънода 2008 йилда 564 гектар майдон билан

ташкил этилган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, «Ангрен», «Жиззах» махсус индустриал зоналарининг барпо этилиши юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш, шунингдек жойларда ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини оширишга қаратилганлиги сир эмас. Бу зоналар фаолият юритадиган муддат мобайнида уларнинг ҳудудида махсус солиқ тартиби ва божхона имтиёзлари амал қилиши назарда тутилди. Масалан, «Навоий» ЭИИЗ бўйича ҳукуматнинг «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида божхона режими ҳамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» қарори (23.04.2009 йилдаги 120-сон) қабул қилинди.

Ана шу яратилаётган барча шарт-шароит ва қулайликлар мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини ошириш, жаҳон молия бозорида юз бераётган ишсизлик, иқтисодий инқирозлар талафотини камайитиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Шерали ДЖАНИМОВ,
Олий бизнес мактаби
тингловчиси.

«Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар дейилганда чет эл давлатининг фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон Республикасининг доимий равишда чет элда яшовчи фуқаролари бўлган жисмоний шахслар, шунингдек чет эллик нодавлат юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган инвестициялар тушунилади».

Солиқ кодексининг 376-моддаси.

ҳужжатларининг инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларини қўллаш ҳуқуқига эгалиги ҳам белгиланган.

ПФ-4434-сон Фармон билан ҳам хорижий инвесторларга муайян қулайликлар яратилди. Хусусан, унинг пул шаклидаги улуши 5 млн АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллаш ҳуқуқи берилди. Инвестицияни кўпроқ ҳажмда жалб этиш ҳам рағбатлантирилмоқда. Дейлик, қиймати 50 млн АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида, ишлаб чиқариш майдонидан ташқарида зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш мамлакатимиз бюджети маблағлари ёки бошқа ички молиялашти-

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 14.06.2013 йилдаги ҳал қилув қарорларига асосан иловада келтирилган корхоналар тугатилмоқда.

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари, шунингдек давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани ҳокимияти қошидаги махсус тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан Тошкент шаҳар махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилади. Тел. 234-10-29.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 14.06.2013 йилдаги ҳал қилув қарорларига асосан Юнусобод туманидаги тугатилётган корхоналар РЎЙХАТИ

№	СТИР	Корхона номи	Хўжалик суди қарори рақами ва санаси
1	206358249	LIBNET-SERVIS	10-1304/8558 14.06.2013
2	302142233	YUNUS-ABAD KONSALTING	10-1304/8566 14.06.2013
3	301435897	BURGUT-XIMOYA-SERVIS	10-1304/8567 14.06.2013
4	206524058	SHARQ INDUSTRIAL AND TRADING	10-1304/8559 14.06.2013
5	207101536	ATLANT TAXI	10-1304/8565 14.06.2013
6	203508814	ASR MARKET	10-1304/8564 14.06.2013
7	205582565	ALARM SYSTEM	10-1304/8563 14.06.2013
8	301667481	JAMIS SAVDO	10-1304/8562 14.06.2013
9	204763965	NEW STANDART	10-1304/8560 14.06.2013
10	207163293	GUL DIYOR SAVDO	10-1304/8561 14.06.2013
11	204932121	SYSTEM AREA/KELAJAK KOMPUTERLARI	10-1304/8583 14.06.2013
12	301684715	OSIYO FARFOR SERVIS	10-1304/8581 14.06.2013
13	302308894	ZAXRO ZIYO	10-1304/8568 14.06.2013
14	202730596	AL-BARAKA-RUM	10-1304/8582 14.06.2013
15	300493470	NAJOH TA'MIRLASH	10-1304/8587 14.06.2013
16	205198084	DILSORA-DUL	10-1304/8586 14.06.2013
17	301453725	ART-MANZUR	10-1304/8585 14.06.2013
18	301498606	KAGRABARS	10-1304/8584 14.06.2013
19	302157395	PROFESSIONAL-FIGHTERS GROUP	10-1304/8575 14.06.2013
20	302154036	MIRROR ROAD	10-1304/8570 14.06.2013
21	301660659	SZS-INVEST	10-1304/8571 14.06.2013
22	207138007	MAK SUPER MAX/IMPORT SUPER OIL	10-1304/8592 14.06.2013
22	203626921	INFOIMSERVIS	10-1304/8591 14.06.2013
24	302320390	GAYBULLA OMAD SAVDO	10-1304/8593 14.06.2013
25	301668773	MARVEL PLANTS	10-1304/8579 14.06.2013
26	202572588	ONALIK VA BOLALIK	10-1304/8578 14.06.2013
27	302171142	ROTARY TECH SERVICE	10-1304/8577 14.06.2013
28	301790781	AYLANTUS	10-1304/8572 14.06.2013
29	205292959	RAMA SAVDO	10-1304/8573 14.06.2013
30	302404064	LATIKA-SUPER	10-1304/8574 14.06.2013
31	301444009	ME'MORIY-QURUVCHI-BIZNES	10-1304/8576 14.06.2013
32	204362586	MIRSHAHID-BARAKA	10-1304/8580 14.06.2013
33	301740907	ZARAFSHON-MAZZALI TAOMLARI	10-1304/8588 14.06.2013
34	301620501	NARGIZA LUX TRADE	10-1304/8590 14.06.2013
35	300980364	GRAND INVEST BUILDING	10-1304/8569 14.06.2013

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 7.06.2013 йилдаги ҳал қилув қарорларига асосан иловада келтирилган корхоналар тугатилмоқда.

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари, шунингдек давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани ҳокимияти қошидаги махсус тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан Тошкент шаҳар махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилади. Тел. 234-10-29.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 7.06.2013 йилдаги ҳал қилув қарорларига асосан Юнусобод туманидаги тугатилётган корхоналар РЎЙХАТИ

№	СТИР	Корхона номи	Хўжалик суди қарори рақами ва санаси
1	201777221	MC-TEX	10-1304/8203 07.06.2013
2	202410915	LYUBOR	10-1304/8202 07.06.2013
3	203797504	SEVARA-BARAKA	10-1304/8201 07.06.2013
4	207150112	IBROHIM LYUKS TRANS	10-1304/8200 07.06.2013
5	300594345	CHAIKA-BROKER	10-1304/8199 07.06.2013
6	205198963	YADGAR-DID	10-1304/8198 07.06.2013
7	203676021	SONATA-REKORDS	10-1304/8197 07.06.2013
8	205341359	SEVINCH ULUG'BEK QIZI	10-1304/8196 07.06.2013
9	300301961	SHAXRUX AVTO SERVIS	10-1304/8195 07.06.2013
10	205806533	FORTUNA-LOGOS	10-1304/8194 07.06.2013
11	206716221	AGROTEKXOMPLEKT-PLUS	10-1304/8193 07.06.2013
12	205709293	MEGA UYUT START	10-1304/8192 07.06.2013
13	302324575	ABDURAXMANOVA DIANA	10-1304/8191 07.06.2013
14	301362886	BILIMDON -MUSHTARIY SNA	10-1304/8190 07.06.2013
15	301367903	NAFARJA-GLAMOUR	10-1304/8219 07.06.2013
16	206778153	MEGA MONTAJ	10-1304/8218 07.06.2013
17	300782301	BABILON TRANS	10-1304/8217 07.06.2013
18	301036104	NAVOIY-TOSHKENT MANUFAKTURING	10-1304/8216 07.06.2013
19	206801267	OLMOS-DENTA MEDIKAL	10-1304/8215 07.06.2013
20	300192023	FAYRUZ-TAOMLARI	10-1304/8213 07.06.2013
21	300084798	POSITIVE LINE	10-1304/8180 07.06.2013
22	300160774	MAKSI STROY MONTAJ	10-1304/8179 07.06.2013
23	300473740	SOBIR ILYOS	10-1304/8178 07.06.2013
24	206924382	GARMONIYA-MEDSERVIS	10-1304/8177 07.06.2013
25	206932974	SIFAT DUNYOSI	10-1304/8176 07.06.2013
26	300613099	KOMPASS INVESTMENTS	10-1304/8175 07.06.2013
27	302150840	BARAKA ISHONCH RAMZI	10-1304/8212 07.06.2013
28	300685120	GAINFUL DEAL	10-1304/8211 07.06.2013
29	300823644	MIRSAIT-SAVDO	10-1304/8210 07.06.2013
30	206972847	DI FARMA LUX	10-1304/8209 07.06.2013
31	300921340	AVTOKREDIT EXPO SERVIS	10-1304/8208 07.06.2013
32	300981781	HUSNORABONU TEKS	10-1304/8207 07.06.2013
33	301208442	YANGI NIHOL SAVDO	10-1304/8206 07.06.2013
34	302082618	IBROHIM UNIM BARAKA	10-1304/8205 07.06.2013
35	301599020	NAJAX-SIFAT SAVDO	10-1304/8204 07.06.2013
36	301300693	QUADROMAX	10-1304/8170 07.06.2013
37	301324039	BIOSINTEZ TOP	10-1304/8169 07.06.2013
38	301360138	PERISHKO GOLD	10-1304/8168 07.06.2013
39	207040803	SUPER-EVRO-TAXI	10-1304/8167 07.06.2013
40	301443935	SOUND PRODUCTIONS	10-1304/8166 07.06.2013
41	207068498	MAGNA TRADE	10-1304/8165 07.06.2013
42	301473978	MIRVOSIL BIZNES	10-1304/8164 07.06.2013
43	301663242	DUNAY-STAR-ELIT	10-1304/8163 07.06.2013
44	301512571	EKZO FLOWERS	10-1304/8162 07.06.2013
45	301664454	SAVA-TRADE-BUSINESS	10-1304/8161 07.06.2013
46	301668593	ENERGOMEX MASTER	10-1304/8164 07.06.2013
47	302313938	SEBZOR IRRIGATSIYA	10-1304/8173 07.06.2013
48	301725726	MZ EXCLUSIVE BUSINESS	10-1304/8172 07.06.2013
49	301736902	GREAT TRADE MASTER	10-1304/8171 07.06.2013
50	301812135	LEADER PARTNERS GROUP	10-1304/8169 07.06.2013
51	302046114	MILA REAL BIZNES	10-1304/8168 07.06.2013
52	301865458	ROOMI GROUP	10-1304/8167 07.06.2013
53	301903188	POLI PLAST IMPEX PLUS	10-1304/8166 07.06.2013
54	302027897	SOFTWARE TASHKENT	10-1304/8165 07.06.2013
55	302090236	INFINITY BUSINESS SERVICE	10-1304/8164 07.06.2013
56	302138134	EXIM UNIVERSAL PRODUCTION	10-1304/8163 07.06.2013
57	302308863	DIFFERENT EXPORT	10-1304/8162 07.06.2013
58	302333414	PERFECT FOOD	10-1304/8161 07.06.2013

ДАРДНИ ЯШИРСАНГ...

Никоҳланиш аҳдини боғлашда бўлгуси қариндошларга келин-куёвликни ихтиёр этганларнинг соғлиғига, хусусан жисмоний ва руҳий соғлиғига тааллуқли ҳамма нарсани айтиш, ҳеч нарсани яширмаслик керак. Зотан бўлгуси оиланинг тақдири ҳам, улардан дунёга келадиган авлод соғлиғи ҳам шунга боғлиқдир. Бироқ ҳаётда куёвнинг яқинлари (аҳён-аҳёнда келиннинг яқинлари) қариндошлик риштаси боғланаётганлардан унинг ичкиликбозлик ёхуд гиёҳвандлик домига илинганлигини ёки қиморбоз эканлигини, баъзан эса руҳий хаста эканлигини (зарур маълумотномаларни шунчаки пулга сотиб олиб) яширадilar. Бу хусусда оғиз очилмаганлиги оилавий турмуш бахтдан мусово бўлишига, баъзан эса тузатиб бўлмайдиган фожиаларга олиб келади. Кўпчилигимиз қариндош-уруғ ва таниш-билишлар ҳаётида шунга ўхшаш воқеалар содир бўлганлигини биламиз ёки эшитганмиз. Қуйида ана шундай воқеалардан бири ҳақида гап боради.

Бу фожиали воқеа бундан анча йиллар муқаддам, мамлакатимизнинг олис қишлоқларидан бирида содир бўлган. Ўшанда тўй зўр ўтган, келин-куёвга ҳамма ҳавас қилган эди. Келинчак сарвқомат бўлиб, шахло кўзлари уни янада зебо қилиб кўрсатарди. Йигит баланд бўйли, кенг елкали, тим қора сочлари ўзига бирам ярашганки... Меҳмонлар ёшларнинг шаънига яхши гаплар айтиб, чин юракдан самимий тилаклар билдиришди.

Уларнинг оилавий турмуши яхши бошланди, бахтиёрликнинг чек-чегараси йўқдек туюларди. Уларга кенг ҳовлида алоҳида уй-жой ажратилган бўлиб, хонадон соҳиблари келин-куёвларни ортидан ҳам, олдидан ҳам алқаб чарчамасди. Бу оилада нукул ўғиллар бўлганлиги сабабли ҳам келинни ўз қизларидек кўришди, рўзғор ишларига ортиқча банд этишмади ҳам.

...Тўйдан кейин бир неча ой ўтгач, бир сафар куёвдан туни билан дарак бўлмади. Келин бечора мижжа қоқмади, нима қилишни, қайга боришни ҳам билмасди. Эри тонг ёришаётганда асабийлашган ҳолатда, тажанг бўлиб уйга қайтди. Хотинининг қаерда эдингиз, нега кўнгирок қилиб қўймадингиз

қабелидаги журъатсизгина саволига у кўрсик билан ўзининг эркак киши эканлигини, нима қилаётганлигини яхши билишини таъкидлаб, мен билан ишинг бўлмасин деб тўнгиллади. Келин унинг гапириш оҳангидан лол қолиб, бошқа ҳеч нарса дея олмади. Шундан кейин бир неча кун одатдаги маром билан ўтди. Кейин куёв уйига яна тонг маҳалида, янада дарғазаб ҳолда келди. Хотинининг таънаомуз гапларини эшитгани ҳамона уни аёвсиз дўппослай кетди. Келин юмюм йиғлаганича унинг қўлидан аранг қутилиб қолди.

Кун ёйилган пайтда ўриндан тургач, у хотинидан кечирим сўрашга тушди, бошқа такрорланмайди, деб ваъда қилди. Ёш жувон уни кечирди, қайнонасига ҳам ёлғон гапириб, бадани нега кўкарганлиги ҳақидаги саволга оёғим қайилиб кетиб, йиқилиб тушдим, деб қўя қолди.

Таассуфки, ҳадемай бу нарса доимий ҳолга айланиб, эрининг эрта саҳарда уйга қайтиши такрорланаверди. Келинчак калтақдан кўрқиб, унга ҳеч нарса демай қўйди. Аммо кийим жавонидagi тилла тақинчоқлари турадиган қутичада бир неча қимматбаҳо буюм, шу жумладан ота-онаси унга ўн олти ёшга тўлганида совға қилган

зумрад кўзли тилла узук йўқ бўлиб қолгач, келин ўзини тутиб тура олмади ва эридан бу тақинчоқларни нега олганлигини сўради. Шунда йигит қутуриб кетиб, уни шу даражада урдики, ҳақиқатни қайнота ва қайнонасидан яширишга ўрин қолмади. Улар воқеани эшитиб, даҳшатга тушишди, келиндан онасига бу хусусда ҳеч нарса айтмасликни сўраб, ўғиллари уни хафа қилмаслиги учун чора кўражакларини ваъда қилишди.

Дарҳақиқат, эртаси куни куёв бола узр сўраб, хотинига бошқа қандайдир тақинчоқларни тўхфа қилди (келин буларни қайнонаси берганлигини тушунди). Икки ой тинчгина ўтди. Кейин куёв яна қуюшқондан чиқди ва ҳаммаси эскича давом этаверди. Унинг уйида тунамаган кунлари сони орта борди, хотинининг тақинчоқларидан ташқари, тўйда ҳадя этилган буюмларни ҳам ташмалаб олиб кета бошлади. Табиийки, бечора келинчак чидаб тура олмай, эрига яна таъна қилди, бунга жавобан уни эри ваҳшиёна калтақлади, оқибатда келин ётиб қолди.

Айтиш керакки, эри одатда тонг ёришиши арафасида ё ҳушёр, ёки бироз сархуш ҳолатда қайтарди. Шу боис унинг яқиндагина севимли ва ардоқли бўлган хотинига нисбатан шафқатсизлигини мастликка йўйиб бўлмасди. Келин ўзича уни гиёҳванд эмасмикин, деган кўнгилда ухлаб ётганида эрининг қўлларини диққат билан кўздан кечирди, лекин нина изларини сезмади. Шу сабабли ҳам бир ёстиққа бош қўйган севимли кишининг бунақа хулқ-атвори сабабини била олмай, роса боши қотди.

Муайян вақт ўтгач, келин энди унга қайнонаси ачинмай қўйганлигини, эт-бети кўкариб юрганлигини кўриб, гижинишга тушаётганлигини пайқаб қолди. Ёш жувон юзага келган вазиятдан чиқиш йўлини излашга уринди, аммо топа олмади. У ваҳшийлик йўлига ўтиб олган эрини ташлаб, онасиникига қайта олмасди. Негаки, отасининг вафотидан кейин муштипар онаси уни ва синглисини бир ўзи тарбиялаб вояга етказганди. Онаси не-не машаққатлар билан уларни кат-

та қилганлигини, тўйни ўтказиш ҳам унга осон бўлмаганлигидан билар эди. Бундан ташқари, асрий анъаналар руҳида тарбияланган келин никоҳдан ажралишни оиласи учун ҳам, шахсан ўзи учун ҳам шармандали ҳол деб биларди.

Хуллас, ҳаётни шартта тарк этиб кетишдан бўлак нажот топа билмади у. Бир куни, навбатдаги калтакланишдан кейин у ўзини осди.

Фожианинг сабаби шунда эдики, куёв ичкиликбоз ҳам, гиёҳванд ҳам эмасди. У ашаддий қиморбоз эди. Ота-онаси унинг бу манфур қусурини билсалар ҳам келиндан, унинг онасидан яширдilar. Қизни ёқтириб қолиб, келин бўлиб келгач, эрини қиморбозликдан тийиб олади деб умид қилганликларини кейинчалик рўй-рост айтишди. Бироқ келин бу ишнинг уддасидан чиқа билмади. Келини баданини кўкартириб юрганида қайнонанинг гижинишлари сабаби ҳам шу экан.

Терговдан кейин йигитни турмуш ўртоғини ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказганлиги учун жавобгарликка тортишди. Тўғри, бунинг учун унга чинакам жазо муддати берилмади, чунки жазо шартли эди. Унинг ота-онаси, таъбир жоиз бўлса, осон қутилди. Лекин бу ота-она ҳақиқатда алдаган бахтсиз жувонни ҳаётга қайтариб бўлмасди. Янги оилада у ваҳший эри билан танҳо ўзи қолди. Эрининг манфур ишқибозлиги эса воқеа фожиа билан якун топишига олиб келди.

Ольга МАРШАНСКАЯ,
Адлия вазирлиги
хузуридаги
Республика
суд экспертизаси
марказининг давлат
суд эксперти.



ТАХРИРИЯТДАН.

Муаллиф сўз юртган жиноятни тавсиф этиб кўрайлик. Моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлмаган шахсга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муштасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўша қилмишлар моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (Жиноят кодексининг (ЖК) 103-моддаси).

16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс (жиноят субъекти) жавобгарликка тортилиши мумкин. Унинг содир бўлган оқибатларга муносабати эгри қасд ёки эҳтиётсизлик деб малакаланади, негаки қилмиш содир этган шахс уларнинг юз бериши эҳтимолини ўйлаб ҳам кўрмаган (субъектив томон). Мазкур қилмишнинг объектив белгиси ҳақорат қилиш ва камситишлар, тан жароҳати етказишлар мунтазамлик хусусияти

касб этганлигида кўринади. Агар улар бир галги хусусиятга эга бўлганида эди, жавобгарликка тортилиш жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тегишли бошқа моддаси бўйича юз берган бўларди.

Жабрдийда айбдордан анчагина моддий ёрдам олганлиги, унинг қарамоғида бўлганлиги ҳоллари моддий томондан қарамликни малакаловчи белги деб ҳисобланади. Одатда бу ишламаётган хотиннинг (эрининг), ота-онанинг ҳамда даромадга эга бўлган оила аъзолари фарзандларининг қарамлигида мужассам бўлади. Жиноятчининг хатти-ҳаракатлари билан жабрдийданинг ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиши ёки ўзини ўзи ўлдириши ўртасида сабаб ва оқибат нозидидаги боғланиш аниқланган тақдирда, жавобгарлик юзага келади (Олий суд Пленумининг «Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш тўғрисидаги ишлар бўйича судлов амалиёти тўғрисида»ги 11.09.1998 йилдаги 20-сон қарори). Жиноятчининг ғаразли ёки бошқача паст ниятларидан далолат берувчи ҳоллар – алкоғолли ичимликни, гиёҳвандлик воситаларини ёки кишининг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни суиистеъмол қилиши, қиморга берилиши

суд томонидан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топилиши мумкин (ЖК 56-моддасининг «к», «о» бандлари).

Юқорида айтилганлардан яна бир хулоса қилишни истардик: янги оила қуриш ҳақида шошма-шошарлик билан, чуқур ўйланмаган ҳолда қарор қилмаслик керак. Куёв бўлмишнинг, ота-онасининг одатлари, юриш-туришини обдан ўрганиш учун бор имкониятнинг ҳаммасидан фойдаланиш зарур. Ҳатто қонун ҳужжатларимизда ҳам бунга камида бир ой муддат назарда тутилган (Оила кодексининг (ОК) 212-моддаси), бу борада истиснога йўл қўйилмаган алоҳида ҳоллар ҳам эътибордан четда қолмаган (ОК 13-моддаси). Сўз юртилаётган ана шу нозик масала ечим топишида оила қуришни ихтиёр этганларнинг тиббий кўрикдан ўтиши жоизлигига оид норманинг аҳамияти катта. Шу боис никоҳланувчи шахслар бу йўсин тиббий кўрикдан ўтишга масъулият билан қарашлари шарт (ОКнинг 17-моддаси; ВМнинг 25.08.2003 йилдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низом).

Римма СОЛОДОВНИКОВА,
эксперт-юристимиз.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

2008 йил июль-сентябр

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУХАРРИР
ФАРҲОД КУРБОНБОВ
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келавермайдиган. Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас. «Норма маслахатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлдан кўчириш, тарқатишга **фақат «Norma» газеталари бирлашган тахририяти МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.**

Газета тахририят томонидан тасвирланган гуногусликлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмахонасига босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 1027 Агату 2 310. Баҳоси келишилган нархда
Газета А3 ҳажмида, 4 шартли босма табақда чоп этилди.

Газета 2013 йил 24 июнда соат 16.50 да топширилди.

ISSN 2010-5223